

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2019 йил 28 июндаги 32-сон қарорига
ИЛОВА

**Экспорт (етказиб берилган) ва импорт (олиб кирилган)
товарлар нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий
низом**

Ушбу услубий низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган экспорт (етказиб берилган) ва импорт (олиб кирилган) товарлар индексини ҳисоблашда фойдаланилади.

Услубий низомда ташқи савдо нархлари индексларини тузишнинг асосий усуллари, жиҳатлари, шу жумладан, кузатув қамровини аниқлаш, салмоқ вазн таркибий қисмларининг шаклланиши ва турли даражадаги агрегатларнинг нарх индекслари ҳисобланиши тартибини белгилайди.

Услубий низомда ташқи савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар нарх индексларини шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичларига мос келадиган кетма-кетликда белгиланади.

Ташқи савдо индекслари тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

1. Асосий қоидалар

1. Ушбу қўлланма учун қуйидаги асосий атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилади:

экспорт товарлар- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан қайта олиб кириш мажбуриятисиз чиқарилган товар (қонунчиликда бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса);

импорт товарлар- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларни қайта чиқариб юбориш мажбуриятисиз олиб кирилган товар;

товарларнинг статистик қиймати- шартнома валюталаридан қатъий назар ягона асосга келтирилган шартнома бўйича товарлар қийматининг суммаси;

таянч объект (ташкilot) - экспорт (етказиб берилган) ва импорт (олиб кирилган) товарлар нархлари индексини шакллантириш учун танлаб олинган вакиллик ташкilotи;

таянч давр - салмоқ вазнлар тизимини шакллантириш учун экспорт ва импорт товарлар ҳажмларидан фойдаланилган йил;

таянч йил декабрига нисбатан нархлар индекси – жорий давр нархларининг таққослаш базаси сифатида ҳисобланган давр нархларига нисбати (таянч йилнинг декабри), яъни доимий таққослаш учун маълум бир йилнинг декабр оyi нархларига нисбатан ҳисобланган нарх индекси.

товар турларининг салмоқ вазни (товар гуруҳлари) – таянч йил учун аниқ товар ҳолати (товар гуруҳлари)даги экспорт ва импорт товарларнинг экспорт ва импортдаги умумий ҳажм улуши. Бу ҳар бир элементнинг умумий мажмуадаги муҳимлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич;

тортиш – умумлаштирилган кўрсаткичларни олиш ва тўғридан – тўғри тўлдирилмайдиган турли хил маҳсулотларнинг мослигини таъминлаш учун индекс ҳисоб-китобларида қўлланиладиган тартиб;

агрегациялаш (жамлаш) – паст даражадаги иқтисодий кўрсаткичларни кейинги даражалардаги катта агрегатларга бирлаштириб олиш;

танлов – статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган тасдиқланган таснифлагичлар, наменклатуралар ва маълумотларнинг алоҳида турлари;

нархнинг индивидуал индекси- аниқ турдаги товар ҳолати ўзгариш даражасини тавсифловчи нисбий кўрсаткич;

нархларнинг жамланган (умумий) индекси- алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич;

Ушбу услубий низомда қўлланилган атамалар давлат статистика органлари томонидан статистик мақсадлар учун ишлатилади.

2. Таснифлаш тизими

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-3448-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2017 йилги версиясини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган янги тизими негизида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасидан (Ўз.Р ТИФ ТН) фойдаланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси бўйича ТИФ ТН нинг ўнта рақамли коди қуйидагича шакллантирилади:

- биринчи олти рақам уйғунлашган тизимдаги товарларни тавсифлаш ва кодлаш;

- худди шундай олтита рақам ва қўшимча еттинчи ва саккизинчи белгилар Европа Иттифоқининг Комбинацияланган Номенклатураси бўйича товарларни тавсифлаш ва кодлашга мос келади;

- тўққизинчи белги МДХнинг қизиқишидан келиб чиқиб, товарларга батафсил маълумот бериш учун мўлжалланган;

- ўнинчи белги Ўзбекистон Республикасининг қизиқишидан келиб чиқиб, товарларга батафсил маълумот бериш учун мўлжалланган.

3. Экспорт (етказиб берилган) ва импорт (олиб кирилган) товарлар нархлари индексини шаклланишининг асосий босқичлари

4. Ташқи савдо нархлари индексини ҳисоблаш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

товар позицияларини (товар гуруҳларини) ва таянч объектларни танлаш;

нарх индексини ҳисоблашда нарх маълумотларини шакллантириш;

турли даражадаги агрегатларнинг нарх индексларини ҳисоблаш учун ўлчаш (вазн) тизимини яратиш;

формула танлаш ва нарх индексини ҳисоблаш.

4. Товар позициялари (товар гуруҳлари) ва таянч объектларини танлаш.

5. Умумий товарлар турларини (товар гуруҳлари) танлашда божхона статистика маълумотлари базаси асос бўлиб ҳисобланади.

6. Товар турлари (товар гуруҳлари) танловида фақатгина статистик қиймати нолга тенг бўлмаган қайдлар рўйхатга олинади.

7. Танланган товар турлари (товар гуруҳлари) экспорт ва импорт ҳажмида сезиларли улушни эгаллаган.

8. Товар турлари (товар гуруҳлари) танловини шакллантиришда инфляциянинг (ассортимент ўзгариши, тизимли ўзгаришлар ва ҳоказо) ноъанавий омиллари билан боғлиқ таянч йилдаги нархларнинг мунтазам сакрашлари ҳисобга олинмайди.

9. Танловда қуйидаги турдаги товар гуруҳлари 93 кодли “Қурол ва ўқ-дорилар”, унинг қисмлари ва 99 кодли “Хизматлар” гуруҳларини ўз ичига олмайди.

10. Таянч объектлар (ташкилотлар) танлови таянч йилда мунтазам равишда амалда бўлган, товарларни етказиб беришда сезиларли ҳажмга эга бўлган, маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш ёки мамалакат ҳудудига олиб кирувчи юридик шахслар рўйхатидан танлаб олинади.

11. Таянч йил чоракларида камида икки маротаба ташқи савдо операцияларини амалга оширган экспортчи ва импортчиларга афзаллик берилади.

12. Товарлар ва уларнинг тавсифлари тез-тез ўзгариб турадиган ҳамда маҳсулот хилма-хиллиги билан тавсифланадиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар намунадаги тўпламга киритилмайди.

13. Танланган таянч объект (ташкилот)лар аниқ умуммиллий статистик кузатувлар, асосий маҳсулотлар гуруҳларини максимал даражада қоплагандан кейингина мақбул танловга эришилади.

14. Ҳар йили танланган таянч объект (ташкилот)лар, товарлар, маҳсулотлар янгиланади. Янгиланиш республика ташқи савдо айланмасининг ҳажми бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Талаб камайганлиги сабабли бозор аҳамиятидан йўқолиб бораётган товарлар, маҳсулотлар танловдан чиқарилади. Уларни янги товарлар, маҳсулотлар билан алмаштириш учун худди шу мезонларга жавоб берадиган маҳсулотлар қўшилади. Асосий объект (ташкилот)лар рўйхатига ташқи савдо айланмасининг энг юқори қийматига эга бўлган янги юридик шахслар киради.

5. Нархлар индексини ҳисоблаш учун нарх маълумотларни шакллантириш

15. Экспорт (етказиб берилган) ва импорт (олиб қилинган) товарлар нархлари маълумотлари базаси божхона статистикаси маълумотлари ҳисобланади.

16. Экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг нархи ва миқдори тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мавжуд маълумотлар базасига асосланган ҳолда бир қанча босқичларда амалга оширилади.

17. Дастлаб божхона статистикаси маълумотлар базаси йил бошидан йиғиб бориладиган (йил бошидан бошлаб тўпланган) экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати ва миқдори тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, жорий ой учун товарларнинг қиймати ва миқдори белгиланади.

18. Экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ойлик қийматини ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$ST_{i,t} = ST'_{i,t} - ST'_{i,t-1},$$

бунда:

$ST_{i,t}$ жорий t ойдаги i товар қиймати;

$ST'_{i,t}$ йил бошидан жорий t ойдаги i товар қиймати;

$ST'_{i,t-1}$ йил бошидан аввалги $t-1$ ойнинг i - товар қиймати;

19. Экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ойлик сонини ҳисоблаш формуласи:

$$Q_{i,t} = Q'_{i,t} - Q'_{i,t-1},$$

бунда:

- $Q_{i,t}$ жорий t ойдаги i товар сони;
 $Q'_{i,t}$ йил бошидан жорий t ойдаги i товар сони;
 $Q'_{i,t-1}$ йил бошидан аввалги $t-1$ ойнинг i товар сони;

20. Жорий ой учун товарларнинг ўртача нархларини ҳисоблаш формуласи:

$$P_{i,t} = \frac{ST_{i,t}}{Q_{i,t}},$$

бунда:

- $P_{i,t}$ жорий t ойдаги i товарнинг ўртача нархи;
 $ST_{i,t}$ жорий t ойдаги i товар қиймати;
 $Q_{i,t}$ жорий t ойдаги i товар сони;

21. Нархлар индексини шакллантиришда маҳсулотларнинг ойма-ой давомийлиги таъминланиши ва нархлари мавжуд бўлмаганлари қабул қилинмаслиги таъминланади

22. Экспорт ва импорт маҳсулотлари маълумотлари вақтинчалик мавжуд бўлмаган вазиятда шартли равишда нархларни ҳисоблаш амалга оширилади. Бу ҳисоблаш ҳақиқий маълумотлари олингунига қадар давом эттирилади.

23. Шартли қийматларни аниқлашнинг бир неча йўллари мавжуд: ўтган давр ҳисобланган нархлардан фойдаланиш (охирда қайтарилган нарх) ва қайта ҳисобланган шартли нархларни қўллаш.

24. Ўтган даврдаги нархлардан фойдаланишда фақатгина бир-икки ой давомида нисбатан барқарор нарх динамикаси қўлланилади.

25. Ўзгарувчан нарх динамикаси ва узоқ муддатли танланган товар турлари бўйича экспорт ёки импорт билан шуғулланмаган ҳолларда нархларни шартли қайта ҳисоблаш амалга оширилади. Бу ҳолда кетма-кетликнинг давомийлиги шартли нархларни ҳисоблаш ва нисбатан ўзгаришларни қўллаш орқали амалга оширилади:

бошқа таянч объект (ташкилот)нинг ўхшаш товар турлари;

Ўртача ҳамма танланганлар учун ухшаш бўлмаган товарларни экспорт қилиш ёки импорт қилиш билан шуғилланадиган асосий ташкилотлар;

умуман олганда экспорт ёки импорт учун.

26. Шартли нархларни ҳисоблаш жорий ҳолатни таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадига мувофиқ амалга оширилади (бошқа таянч объект (ташкилот)лар учун товар турлари мавжудлиги, ўтган даврда нархлар қай тарзда ўзгарганлиги, жаҳон бозорларидаги нархларнинг ўзгариш жараёнлари ва ҳоказо).

27. Экспорт ёки импорт қилинадиган танлаб олинган таянч ташкилотининг товар турлари умуман мавжуд бўлмаганда, шартли битимларни амалга оширган асосий жами объект (ташкилот)лардан уларнинг ўрнига ўзгартириш киритилиши мумкин.

6. Турли даражадаги агрегатларнинг қийматини ҳисоблаш учун тортиш тизимини шакллантириш

28. Нархлар индексини ҳисоблаш учун салмоқ вазн шакллантиришда таянч даврдаги экспорт ва импорт маҳсулотларининг қиймати маълумотларидан фойдаланилади.

29. Аниқ турдаги товарлар, гуруҳ, кичик товар гуруҳлари бўйича салмоқ вазнлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_i = \frac{d_i}{\sum d_i}, \quad W_j = \frac{d_j}{\sum d_j},$$

бунда:

- W_i — i товарнинг салмоқ вазни;
- W_j — j гуруҳ ёки кичик гуруҳлар бўйича салмоқ вазн;
- d_i — таянч даврдаги экспорт ёки импорт i - товар қийматининг ҳажми;
- d_j — таянч даврдаги экспорт ёки импорт j - товар гуруҳидаги товар қийматининг ҳажми;

30. Экспорт (ётказиб берилган) ва импорт (олиб кирилган) товарлар нархлари индексини шакллантириш ишлатиладиган салмоқ вазнлар тизимини қайта кўриб чиқиш, ҳар йили амалга оширилади.

7. Формула танлови ва нарх индексларини ҳисоблаш

31. Танланган элементлар қамраб олиниш даражасига қараб экспорт (ётказиб берилган) ва импорт (олиб кирилган) товарлар нархлари учун индивидуал ва йиғма нарх индексларини ҳисоблаш амалга оширилади.

32. Дастлабки маълумотлар асосида индивидуал нарх индекслари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$STR_{i,t} = \frac{P_{i,t}}{P_{i,t-1}} \times 100\%,$$

бунда:

$STR_{t,i}$ – ўтган ойга $(t-1)$ нисбатан t ҳисобот ойидаги i - товарнинг индивидуал индекси, фоизда;

$P_{i,t}$ – t ҳисобот ойидаги i - товарнинг ўртача нархи , сўмда

$P_{t-1,i}$ – $t-1$ ўтган ойидаги i - товарнинг ўртача нархи , сўмда

33. Умумлаштирилган нарх индексларини ҳисоблашда таянч даврнинг салмоқ вазнлари тизимидан фойдаланилган ҳолда модификацияланган Ласпейрес формуласи асосида амалга оширилади.

34. Ҳисоб-китоблар қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

$$1. LTR_{i,t} = \prod_{n=1}^t STR_{i,n} ,$$

$$2. V_{i,t} = W_{i,t} * \prod_{n=1}^t STR_{i,n} ,$$

$$3. LTR_{j,t} = \frac{\sum_{i=1}^g V_{i,t}}{\sum_{i=1}^g W_i} = \frac{V_{j,t}}{W_j} ,$$

$$4. STR_{j,t} = \frac{LTR_{j,t}}{LTR_{j,t-1}} ,$$

бунда:

$LTR_{i,t}$ – i - товар бўйича таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий t ойдаги узоқ муддатли нарх индекси;

$STR_{i,t}$ – i - товар бўйича ҳисобот t ойининг ўтган $t-1$ ойига нисбатан қисқа муддатли нарх индекси;

$STR_{j,t}$ – жорий i - ойнинг ўтган $t-1$ ойга нисбатан j товар гуруҳ (кичик гуруҳ)ларининг қисқа муддатли нарх индекси;

$LTR_{j,t}$ – таянч йил декабридаги j хизмат гуруҳи (кичик гуруҳи)нинг жорий t ойдаги узоқ муддатли нархлари индекси;

$V_{i,t}$ – t жорий ойдаги i - товарнинг салмоқ вазни;

- $V_{j,t}$ – j товар гуруҳ (кичик гуруҳ)ларнинг жорий t ойдаги товарнинг салмоқ вазни;
- W_i – i - товарнинг салмоқ вазни;
- W_j – j товар гуруҳ (кичик гуруҳ)лар бўйича салмоқ вазн;
- n – ой рақами (1-январь, 2-февраль ва ҳ.к.);
- g – гуруҳ(кичик гуруҳ)лар таркибига кирувчи турлар сони.

35. **Ҳар ойда** аввалги ойга нисбатан нарх индекслари ҳисобланишидан ташқари, ўтган йилнинг декабрь ойига, ўтган йилнинг мос ойига ҳамда йил бошидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан нарх индекслари ҳисобланади.

36. Кўрсатилган индексларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан:

$$LTR_{2,t} = \prod_{n=1}^t STR_n ,$$

бунда:

- $LTR_{2,t}$ – ўтган йил декабрига нисбатан жорий ой t нархлар индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);
- STR – ўтган ойга нисбатан n – ойи учун нархларнинг қисқа муддатли индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);
- t – жорий ой;
- n – тартиб бўйича ой рақами.

ўтган йилнинг мос ойига нисбатан:

$$LTR_{3,t} = \frac{LTR_{t,G}}{LTR_{t,G-1}} ,$$

бунда:

$LTR_{3,t}$ – ўтган йилнинг мос ойига нисбатан жорий t ойи нарх индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

LTR_t – жорий t ойи бўйича таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан нарх индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

t – жорий ой;

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

йил бошидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан:

$$LTR_{4,t} = \frac{\sum_{n=1}^t LTR_{n,G}}{\sum_{n=1}^t LTR_{n,G-1}},$$

бунда:

$LTR_{4,t}$ – январь ойдан жорий t ойигача бўлган нарх индексларини ўтган йилнинг мос даврига нисбати (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

LTR_n – таянч йилнинг декабрига нисбатан n - ой учун нархлар индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

t – жорий ой;

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

37. **Ҳар чоракда** аввалги чоракка нисбатан ва ўтган йилнинг тегишли чорагига нисбатан нархлар индекслари аниқланади.

38. Мазкур индексларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

жорий чорак ўтган чоракка нисбатан:

$$LTR_{5, \kappa \vartheta} = \frac{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa, \kappa \vartheta}}{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa, \kappa \vartheta - 1}},$$

бунда:

$LTR_{5, \kappa \vartheta}$ – ўтган чоракка нисбатан жорий чоракдаги нархлар индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

LTR_{κ} – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг κ - ойи учун нархлар индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

κ – ҳар бир чоракдаги ойнинг тартиб рақами (январдан мартгача, апрелдан июнгача ва ҳ.к.);

$\kappa \vartheta$ – жорий чорак;

$\kappa \vartheta - 1$ – аввалги чорак.

жорий чорак ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан:

$$LTR_{6, \kappa \vartheta} = \frac{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa, G}}{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa, G - 1}},$$

бунда:

$LTR_{6, \kappa \vartheta}$ – ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан жорий чоракдаги нархлар индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

LTR_{κ} – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг κ - ойи учун нархлар индекси (товар, гуруҳ ёки кичик гуруҳ товарлари, умумий экспорт ва импорт бўйича);

κ – ҳар бир чоракдаги ойнинг тартиб рақами (январдан мартгача, апрелдан июнгача ва ҳ.к.);

G – жорий йил;

$G - 1$ – ўтган йил.

Якуний қондалар

39.Экспорт ва импорт нархлари индексини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар резидентлари ўртасидаги айирбошланувчи товарларнинг нархлари қиймати ўзгариши катталигини баҳолашдан иборат.

40.Экспорт ва импорт нархлари ўзгариши маълумотлари унинг Республика иқтисодиётига бўлган таъсирини статистик таҳлил қилиш, шунингдек, миллий ҳисоблар тизимининг асосий агрегатлари катталикларини аниқлашда дефилятор сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

41. Маълумотлар нашрлар ва расмий ҳаволаларда вергулдан сўнг битта ўнлик белги билан жойлаштирилади.